



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 86 (12.899)

Баҳоси эркин нарҳда

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:
Германия Федератив Республикасининг Федерал канцлери – Ангела Меркель
Покистон Ислон Республикаси Президенти – Мамнун Хусайн
Покистон Ислон Республикаси Бош вазири – Навоз Шариф
Тунис Республикаси Президенти – Мухаммад ал-Божий Коид ас-Сибсий
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси – Сергей Нарискин
Жаҳон банки Президенти – Жим Янг Ким
«Лемкен» компанияси ижрочи директори – Антони ван дер Лей
Германия – Ўзбекистон ишбилармонлик кенгаши ижрочи директори, «Дойче Кабель АГ Тошкент» қўшма корхонаси инвестори – Фальк Порше
Ядро тадқиқотлари бирлашган институти директори, Россия Фанлар академияси академиги – Виктор Матвеев
табрик йўлаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида Польша Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги муносабатлар барча жаҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳасида ҳам жадал ривожланаётгани таъкидланди. Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама келишувга мувофиқ, Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий муносабатлар қўлайликлари яратиш принциплари асосида йўлга қўйилган. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Польша ҳукуматларaro комиссияси икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришда амалий механизм бўлиб хизмат қилаётди.

Бизнес-форум Ўзбекистон ва Польша бизнес тузилмалари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилди. Польшада ташриф буюрган тадбиркорлар делегацияси таркибиде темир йўл, автотранспорт соҳалари ходимлари, автобус ва троллейбус, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини музлатиш

ва сақлаш асбоб-ускуналари, маиший кимё товарлари, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ҳамда биотехнологиялар каби тармоқларда илмий-тадқиқот ишлари ўтказадиган компаниялар вакиллари бор.

Тадбирда Польша делегацияси аъзоларига мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикасидаги инвестициявий муҳит, Польшанинг савдо-иқтисодий салоҳияти ва икки давлат ўртасидаги таъкидланган ҳамкорликнинг жорий ҳолатига бағишланган тақдиротлар ўтказилди.

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлардан яхши хабардорман, – дейди Силезия Савдо-саноат палатаси раиси Ришард Тужанский. – Айниқса, ёш тадбиркорларга кўрсатилаётган ёрдам, хорижий инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширади.

Бизнес-форум давомида Ўзбекистон ва Польша ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида икки томонлама музокаралар ўтказилди. Мулоқотлар якунида келажакдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА МУБДИРИ



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида Мирзо Улуғбек туманидаги «Болалар санъати ва ижодиёти» марказида «Тошкент – меҳмондўст шаҳар» мавзусида ёшлар фестивали ўтказилиб, унда элимизнинг бетакрор анъаналари ва қадриятлари тарғиб қилинди.

Фестиваллар

ҚАДРИЯТЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Фестиваль доирасида ташкил этилган «Миллий халқ ўйинлари», «Миллий таомлар», «Варрақлар», «Сулалма» сайиллари барча иштирокчиларнинг қалбига бир олам завқ-шавқ ва хушнудлик бағишлади.

– Инсон янгилини ва яшаришга интилиб яшайди, – дейди «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси в.в.б Муроджон Зуфаров. – Зеро, баҳорнинг таровати ҳам инсонлар қалбига гузалликдан бошланади. Ёшлар қалбига миллий гоё, миллий мафкура, урф-одатларимизга меҳр-оқибат ва садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида 2003 йилдан буён «Камолот» ЕИХ томонидан анъанавий равишда мазкур фестивал ўтказиб келинмоқда. Миллий анъаналаримизни ёшлар қалбига чуқурроқ синдиришга

хизмат қиладиган ушбу лойиҳанинг кенг қўламли экани, ёшлар маънавиятини юксалтиришга ва қадриятларга бўлган ҳурмат-этиборда ўз аксини топмоқда. Ёшларнинг ота-боболаримиздан бизгача мерос бўлиб келган халқ ўйинларида иштирок этишларини юртимизда баркамол авлод тарбиясига қаратилган изчил ишларнинг яна бир намунаси сифатида тавсифласак муболаға бўлмайди.

Тадбир давомида, ён-атрофга нигоҳ ташлар эканмиз, 11 та туман ташаббуси билан юртимиздаги барча вилоятларнинг урф-одатлари, анъаналари акс эттирилган мўъжазгина оламга кириб қолгандек ҳис этдик, ўзимизни.

(Давоми 3-бетда)

Ахборот-коммуникация технологиялари

ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ИШОНЧЛИЛИК

Ушбу уч таркибий қисм мамлакатимизда жорий этилаётган «Ижро интизоми» идораларaro мониторинг ва тезкор назорат тизимининг асосини ташкил этади

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиб бораётгани илгари кўп вақт, маблағ ва меҳнат талаб қилган жараёнларни оптималлаштириш имконини бермоқда. «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилгани самарасида айни пайтда аҳоли ва бизнес субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш жараёни сезиларли равишда соддалаштирилди. Бугун давлат ташкилотлари ўртасида ҳужжат айланиш борасида ҳам ахборот технологияларини жорий этиш давом эттирилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани бюрократияга қарши курашиш усулларидан биридир. «Электрон ҳукумат» тизимига ўтиш ҳам бунга замин яратмоқда. Бу давлат органлари, аҳоли, бизнес субъектлари ўртасида ва идораларaro ҳамкорликни анча енгиллаштирмоқда. Ушбу жараён Президентимизнинг 2013 йил 27 июнда қабул қилин-

ган «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури ижроси доирасида янада такомиллаштирилмоқда.

Бугунги кунда электрон ҳужжат айланиш тизими ишлаб чиқариш ва ҳужжат айланиш жараёнларини автоматлаштириш ҳамда тизимлаштиришда муҳим омил бўлаётди. Бу белгиланган вазифаларнинг бажарилишини тезлаштириш баробарида маблағ тежаш имконини ҳам бермоқда. Шу боис мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари ўз фаолиятини фаоллаштириб, «E-hujjat» («UNICON.UZ» маркази), «IS-Docflow» («Intelligent Solutions» компанияси) каби замонавий дастурларни тақдиф этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРАПЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон-ЕИМСК ташкил этилган-лигининг 21 йиллиги ва

«Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Адвокатлар палатасида «Адвокату-

ра институти — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси йўлида» масалаларига бағишланган тадбир ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Умумтаълим мактаблари битирувчиларини

таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш ва академик лицей, касб-хунара коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманида касб-хунара коллежи битирувчиларини тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлашга бағишланган ёшлар форуми ўтказилди.

• Қарши шаҳрида ёшларни соғлом эътиқод, ватанпарварлик ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, уларни бузғунчи гоёлар таъсиридан ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

• Наманганда «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида «Биз – соғлом турмуш тарафдоримиз!» шиори остида ёш спортчиларнинг миллий кураш бўйича кўргазмали чиқишлари намойиш этилган бўлса, «Ошга марҳамат» танловида ёшлар ошпазлик маҳоратини кўрсатди. «Миллий қадриятлар менинг нигоҳимда» расмлар танловида эса ёш мусаввирларнинг асарлари тақдим этилди.

• Андижонда таълим муассасаларида маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий ишларни самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий семинари ўтказилди.

• Хоразмда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

• Бухоро шаҳридаги 9-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

• Нукусда барқарор ривожланишда экожурналистиканинг ўрни масаласига бағишланган семинар ташкил қилинди.



• Европа марказий банки евроҳудуд давлатлари ва Буюк Британиянинг глобал иқтисодий инқироз даврида, яъни 2008-2013 йилларда молиявий секторни қўллаб-қувватлаш учун тўғридан-тўғри йўналтирган маблағлари ҳақидаги маърузани эълон қилди. «Евроныйс» телеканали хабарига кўра, ушбу даврда, хусусан, ягона валюта бирлигига аъзо мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўртача 5,1 фоизи банк тизимини таназзул таъсиридан ҳимоялашга сарфланган.

• Февраль ойида Ҳиндистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5 фоиз ўсди. Бу таҳлилчиларнинг «MarketWatch» сайтида эълон қилинган прогнозидан 1,7 фоиз кўп. Умуман, мамлакатда саноат соҳасида кетма-кет уч ойдан буён ижобий натижа қайд этилаётди.

• Германия шимолида унчалик катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради. «Cessna» русумли ҳаво транспорти Олденбург шаҳри яқинидаги трассага кулаб тушган. Оқибатда бир киши ҳаётдан кўз юмган, уч нафар одам жиддий жароҳатланди.



«Ўзэкспомарказ»да «JobFair-2015» саккизинчи ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

ЁШЛАР УЧУН БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Тадбирнинг очилишида мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш давлатимиз ихтимой сибсатининг устувор йўналиши экани таъкидланди.

2014 йилда 1 миллионга яқин киши иш билан таъминланди. Уларнинг 600 мингдан зиёди таълим муассасалари битирувчиларидир. Иш берувчилар ва ўқувчилар жалб этилган ҳолда ўтказилаётган ярмаркалар ёшларнинг жамиятимизда ўз ўрнини топишига хизмат қилмоқда.

«JobFair - 2015» ярмаркасида иштирок этган тўқсондан зиёд компания 500 дан орტიқ бўш иш ўринларини тақдим этмоқда. Улар орасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Nestle Uzbekistan», «Ucell», «Beeline», «CNH Industrial», «GM Powertrain Uzbekistan», «Uz-Kor Gaz Chemical», «LG Electronics», «Arktika Bottlers», «AKFA», «Artel» каби етакчи компания ва фирмалар бор. Шунингдек, интернет операторлари ва IT-компаниялари, тижорат банклари, маҳорат ва ресторани бизнеси, халқаро ва жамоат ташкилотлари, олий ўқув юрталари ҳамда хорижий компаниялар ваколатхоналари ҳам тақдимларини тақдим этган.

Ярмаркада дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган компаниялар фаол иштирок этмоқда. Бу мамлакатимизда ахборот-коммуникация тизимларининг жадал ривожланиб бораётгани боис ушбу соҳада ёш ва салоҳиятли кадрларга талаб ортиб бораётгани билан боғлиқ.

Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юрталари кўп, — дейди «Your Soft» компаниясининг ишланмалар бўлими

раҳбари Сергей Сячин. — Ярмаркада дастурчи, ёрдам бериш хизмати ва савдо менежери мутахассисликлари бўйича бўш иш ўринларини тақдим этдик. Ушбу тадбир ёш мутахассисларнинг танилаш ва ишга қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ярмаркага ташриф буюраётганларнинг асосий қисмини касб-хунар коллежи ва олий ўқув юрталарининг битирувчилари ташкил этади. Улар орасида Мирзо Улугбек технологиялар касб-хунар коллежи битирувчиси Акмал Йўлдошев ҳам бор.

— Коллежда бухгалтерлик мутахассислигини ўрганмоқдан, — дейди Акмал. — Инглиз ва рус тилларини биланам. Хусусий корхонада ишлаб, танлаган касбим бўйича салоҳиятимни рўёбга чиқармоқчиман.

Пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти талабаси Ҳасан Шукуров ишлаб чиқариш менежери мутахассислиги бўйича тахсил олмоқда. У ишлаб чиқариш компаниясида амалиёт ўташни режалаштирмоқда.

— Ишлаб чиқариш жараёнида назария ва амалиётни уйғунлаштириш касб эгаллашда жуда муҳим, — дейди Ҳасан. — Ярмаркада кўплаб йирик компаниялар иш ўринлари тақдим этиб, мен ва мен каби ёшлар учун танилаш имкониятини яратди. Бир неча кўшма корхоналар вакиллари иштирокида суҳбатдан ўтдим.

13-17 апрель кунлари «JobFair Online - 2015» онлайн-ярмаркаси бўлиб ўтади. Унда www.jobfair.uz интернет портали орқали ҳам иштирок этиш мумкин.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири
Ёлқин Шамсидинов
олган сурат

Тадбиркорлик

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Мустақиллик йилларида халқимизнинг онги, дунёқарashi, ҳаётга муносабати ўзгарди. Боқимандалик асоратларидан аста-секин халос бўлган ҳамюртларимиз ўз уйини обод қилишу дастурхонини тўкин этиш аввало ўзига боғлиқ эканини, бунинг учун етарлича шароит ҳам, имконият ҳам борлигини англаб етмоқда. Бошқача айтганда, «берсанг ейман» тарзидаги боқиманда қарашлар ўрнига «ҳаракатда — баракат» қондаси ҳаётимиздан кенг ўрин олмоқда.

Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ва эл-юрт учун ёниб яшаётган ишбилармонлар сони ортишига хизмат қилаётди. Улар орасида ўзининг ҳалол меҳнати, гулдек хунари, ибратли тадбиркорлиги билан ҳаммага намуна бўлаётган хотин-қизлар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Ўз оиласида дилбар бека, меҳрибон она, жамоат ишларида эса фаол ва — ҳаммасига вақт, имконият топишади, улгуришади. Гулбаҳор Абдуҷалолова ҳам ана шундай заҳматқашлардан бири.

Молия институтини банк йўналишида битириб, ўн йилдан ортиқроқ молия муассасасида фаолият юритган Г. Абдуҷалолова ҳаётда 2004 йил муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда Швейцария-Америка фонди томонидан амалга оширилаётган лойиҳага банк-молия соҳасини ва инглиз тилини биладиган малакали мутахассис керак эди. Синовдан муваффақиятли ўтган Гулбаҳор лойиҳа доирасида Бухоро шаҳрида қурилаётган меҳмонхонага бошқарувчи этиб тайинланди.

— Ана шу тарих тадбиркорлик борасидаги малакам шаклланди, — дейди тадбиркор. — 180 кишига мўлжалланган бу меҳмонхона қурилишида 200 дан ортиқ хунарманд ва қурувчилар билан ҳамжиҳатликда меҳнат қилдик. Бир йил давомида миллий ва замонавийликни ўзида муҷассам этган, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган меҳмонхона меҳмонлари кутиб олишга тайёр бўлди. Замон талабларига ҳозиржавоблик учун меҳмонхона ёнида 400 кишига мўлжалланган тўйхона ҳам қурилиб, аҳолига хизматлар кўрсатишни бошладик. Икки гектар ерда бог яратдик. Япония, Малайзия, Италия, Россия каби йирик давлатлардаги икки юздан ортиқ йирик компаниялар билан ҳамкорлик натижасида меҳмонларимиз сони кун сайин кўпайиб борди.

Саккиз йил давом этган ушбу лойиҳа 2012 йилда яқунланган, Гулбаҳор Абдуҷалолова Тошкентга қайтди. Тажрибалари асосида пойтахтда ўз бизнесини йўлга қўйиш ниятида сайёҳлик компанияси ташкил этди. Фаолиятини кенгайтириш мақсадида келинлар либоси салони ҳамда сартарошхона очди.

— Биз нафақат юртимизда хорижликларнинг саёҳатини уштуришимиз, балки, дурдошларимизнинг турли мамлакатларга дам олиш, даволанишга бориб келишига ҳам кўмаклашамиз, — дейди Г. Абдуҷалолова. — Келажакда орзуларим кўп. Улардан бири — Тошкент шаҳрида миллий меҳмонхона қуриш ниятим бор. Бир қаватли, сомоншувқ қилинган, томлари тахтадан ясалган, 10-15 хонали ихчам, экологик тоза бу бинода ўтмиш ҳаётимиз акс эттирилган бўлади. Йигирмадан ортиқ давлатда бўлиб билдимки, хорижлик меҳмонлар ана шундай табиий уйлари жуда яхши қўришади.

Ўртимизда хотин-қизларга, тадбиркорларга яратилган имконият ва берилган имтиёزلардан унумли фойдаланиб келаётган

Гулбаҳор опа бизнесда эришган ютуқлари, одамийлик, меҳрибонлик, оқилолик каби фазилатлари боис шаҳардаги ишбилармон аёллар ҳурматига сазовор бўлаётди. Шу боис у яқинда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси этиб сайланди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, фаолигини ошириш, оилада маънавий муҳитни соғломлаштириш, аёллар бандлигини таъминлаш доимий эътиборда, — дейди Гулбаҳор Абдуҷалолова. — Шундан бўлса керак, тадбиркорлар орасида аёллар сони ортмоқда. Ҳозирда касб-хунар коллежларининг битирувчилари ҳам ўз бизнесини очмоқда. Қизларимизнинг бу соҳага қизиқиши баланд. Биз ҳам хотин-қизларни иш билан таъминлаш, кўмаклаш, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга ошираётимиз. Хусусан, банклар билан ҳамкорликда хотин-қизларга имтиёзли кредитлар бериш, бу борада амалий ёрдам кўрсатиш, иқтисодий-ҳуқуқий мавзуларда семинар-тренинглар ўтказиб, уларнинг банк-молия, солиқ борасидаги билим ва кўникмаларини юксалтирмоқдамиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда тадбиркор ўз ишини очиши учун йирик сармага эгаси бўлиш ҳам шарт эмас. Тадбиркор бизнес-режа асосида исталган банкдан микрокредит ёки имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини бемалол йўлга қўя олади. Бизнес-режа тузишда тадбиркорга кўмакчи бўлиш учун эса консалтинг хизматлари фаолияти йўлга қўйилган. Демак, истак ва интилиш бўлса кифоя.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси, тадбиркор Гулбаҳор Абдуҷалолованинг келгусидаги ниятлари, режалари кўп. Улардан бири хотин-қизлар учун марказ ташкил этиш.

— Биз оилапарвар миллатимиз, — дейди Г. Абдуҷалолова. — Турмушда ҳар хил шароит бўлади. Кимдир вақтида ўқимаган, яна биров олий маълумотли бўлсада, уйда фарзандлар тарбияси билан бўлиб ўзига бўлган ишончини йўқотган. Уларни бирор бир касб ёки хунарга йўналтириш, ўзига бўлган ишончини ошириш учун маънавий ёрдам зарур. Бунда эса ушбу марказ кўл келди. Марказ ўзида психология кабинети, гузаллик салони, ўқиш курслари, болалар майдончаси каби тизимларни жамлаган бўлади. Шунингдек, бу ерда ҳордиқ чиқариш, ихчам кафеда ўтириб, тажрибали тадбиркор аёллар билан маслаҳат қилиш учун шароитлар ҳам яратилди. Жамоатчилик шаклидаги мазкур марказда барча хизматлар бепул амалга оширилади. Мақсад — аёлларнинг битта бинодан чиқмасдан ҳам хунар ўрганиши, таълим олиши, ҳам тажриба оширишини ташкиллаштириш орқали вақтни тежаш.

Зиёда ВОҲИДОВА

Яккасарой тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА 2015 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасига, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил № 5-6, 97-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил № 7, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандлик-ка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан «ишсиз» деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яккасарой туманида 2015 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.
2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарлари: иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин; жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаражатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича — 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан; бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин; туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.
3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ш.Мухаммедов); корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин; ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.
4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (И.Алимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Яккасарой туман тармоқ администратори (С.Хусанов); «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.yakkasaroy.uz веб-сайтга жойлаштирилиши таъминлансин.
5. Яккасарой тумани ҳокимининг 2014 йил 27 январдаги «Яккасарой туманида 2014 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 33-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.
7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Мавланов зиммасига юклансин.

Яккасарой туман ҳокими
А.Салихов

2015 йил 3 март

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Тошкент Давлат иқтисодийёт университетиде иқтисодийётнинг реал сектори самардорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалаларига доир анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент Давлат иқтисодийёт университети ректори М.Болтабоев, «Истеъдод» жағмармасининг ижрочи директори А.Пардаев ва бошқалар юртимиз иқтисодийётини ривожлантириш, таркибий тўб ўзгаришларни муваффақиятли юзага чиқариш, кўри ўсиш суръатларига эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги хусусида сўз юритишди.

Жумладан, анжуманда бухгалтерия соҳасини автоматлаштириш, аудиторлик фаолиятида иқтисодий таҳлил йўналишларини қўллаш, молиявий назоратни такомиллаштириш масалалари борасида ҳам фикр юритилди.

Мазкур тадбир талабалар, ёш мутахассислар ва тадқиқотчиларнинг билимини мустаҳкамлаш, уларга иқтисодийёт соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ишлардан боҳабар бўлиш имконини берди.

Насриев
ЎЗА мухбири

Тошкент ислом университетида диншунослик фани методологияси, ёндашуви ва услубиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридеги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Тошкент ислом университети ректори Р.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий ва диний кадрларини таълим ва сарф-авайлаш ҳамда ривожлантириш, муқаддас ислом динининг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ошириш, жамият учун юксак маънавиятли ва малакали кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат, қатор диний конфессиялар вакиллари ўзаро аҳил яшаб, Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган қарорлар фуқароларнинг эътиқод, виждон эркинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Юртдошларимизни, айниқса, ёшларни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, шу билан бирга, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли экстремистик, террористик ва миссионерлик оқимлари таъсиридан ҳимоя қилиш, жамиятимизда миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш маънавий-маърифий ислохотлар негизини ташкил этаётди. Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти ва ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида ёш авлодга динлар тарихи, маданияти, фалсафасига оид ва дунёвий билимлар пухта ўргатилмоқда.

Анжуманда ёшларда диний экстремизм ва терроризмга қарши мафқуравий иммунитетни кучайтириш, диншунослик фани ривожининг асосий тамойиллари, турли динларни қиёсий ўрганишининг аҳамияти ва ўзига хос жиҳатлари хусусида атрофлича фикр юритилди.

Тадбир доирасида Тошкент ислом университетида тайёрланган «Глобаллашув ва диний жараёнлар», «Исламшунослик қомусий лугати», «Дин психологияси», «Маърифат гулшани», «Юртимиз алломамани» каби монография ва ўқув-услубий қўлланмалар тақдими бўлиб ўтди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ИШОНЧЛИЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Электрон ҳужжат айланиш тизими нафақат бир ташкилот, балки идораларо даражада, жумладан, давлат секторида ҳам қўлланилмоқда. «UNICON.UZ» илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази мутахассислари томонидан фойдаланилаётган инновацион маҳсулот — «Ижро интими» идораларо мониторинг ва тезкор назорат тизими бу борада самарали восита бўлиб хизмат қилаётди.

Унинг асосий вазифаси давлат органларининг ички электрон ҳужжат айланиш тизимидан келиб тушадиган маълумотларни тўлаш ва қайта ишлаш жараёнларини марказлаштириш ва автоматлаштиришдан иборат. Давлат секторига ушбу тизимнинг жорий этилиши қарор, буйруқ ва фармойишлар, фуқароларнинг муражаатлари ва бошқа ҳужжатлар ижросини тезкор мониторинг ва назорат қилиш имконини беради. Бунинг самарасида давлат тузилмалари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, уларнинг ижро интими оширишга эришиш мумкин.

Дастурий маҳсулотни ишлаб чиқишда маълумотлар махфийлиги ва яхлитлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Аънавий қозғо ҳужжат айланишидан фарқли равишда идораларо мониторинг ва тезкор назорат тизими ҳужжатдан фойдаланувчилар ҳуқуқига мувофиқ

фойдаланишни таъминлайди. Ҳужжат билан боғлиқ барча ҳаражатлар — ўқиш, ўзгартириш ва имзолаш реестрга киритилади.

Интернет тизими ёрдамида ишни узоқлашган режимда ташкил этиш имконияти тизимнинг яна бир қулайлигидир. Тизимга киришда фойдаланувчининг идентификация ва аутентификация қилиш учун логин ва пароль билан бир қаторда электрон рақамли имзо ҳам талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, «Ижро интими» тизимида электрон рақамли имзодан фойдаланиш электрон ҳужжатларнинг юридик аҳамиятини оширади. Шу тарихда давлат ташкилотлари қозғ сарфини камайтириш ва бюджет маблағларини тежаш имкониятига эга бўлади.

«UNICON.UZ» маркази маълумотларига қўра, ҳужжатларнинг деярли 100 фоизи электрон шаклда яратилмоқда. Шундай бўлса-да, уларнинг катта қисми мувофиқлаштириш, танишиш ва ишга тушириш учун ҳали ҳам қозғ вариантда чиқарилмоқда. Бу борада яратилган қонунчилик ва технология база идора ва ташкилотларга қозғдан фойдаланишдан воз кечиш имконини бермоқда. Корхоналар ўртасида ҳужжат айланишини электрон шаклга ўтказиш ҳаражатларни камайтириб, юз миллиардлаб маблани тежашга ёрдам беради.

— «Ижро интими» идораларо мониторинг ва тезкор

назорат тизимига уланиш учун босқичда амалга оширилади, — дейди «UNICON.UZ» марказининг мижозлар билан ишлаш департаменти бўлими бошлиғи Аслиддин Роббинов. — Биринчи босқичда ушбу тизим вазириликлар, давлат қўмиталари ва ҳўжалик бирлашмаларида жорий этилди. Иккинчи босқичда 2015 йилнинг 1 январигача тизимга вазирилик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари уланди. Учинчи босқичда тизимга вазирилик ва идораларнинг туман бўлимларини улаш ишлари давом эттирилмоқда. Умуман, деярли барча вазирилик ва идоралар, давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият органлари ўз бошқарув жараёнларига мазкур тизимни жорий қилмоқда.

Электрон ҳужжат айланиш тизимлари бозори жадал ривожланиб бораётди. Ушбу бозорда мамлакатимизнинг дастурий маҳсулот ишлаб чиқадиган тажрибали мутахассислари фаолият юритаётгани боис фойдаланувчилар сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги, ошқоралиги ва ишончлигини янада таъминлаш, уларнинг аҳоли билан ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мухаммад ҚАРШИБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Тўртинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Тошкентдаги Кичик ҳалқа йўли қайси йили бунёд этилди?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юсак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга оцаётган ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасида қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзиллари-га йўллангани лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Пойтахтимизда волейбол бўйича қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати олий волейболнинг учинчи тур баҳслари бўлиб ўтди. Чемпионатда энг кучли тўртта жамоа баҳслашмоқда.

Волейбол

«СКИФ»

ЧЕМПИОНЛИКНИ КЎЗЛАМОҚДА

Мазкур турда жамоалар икки мартадан ўйин ўтказди. Пойтахтнинг «СКИФ» жамоаси Нукус педагогика институти, Урганч давлат университети ва Андижон олимпия захиралари коллежи жамоаларига қарши кечган олтига учрашунинг барчасида 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Пойтахтликлар уч тур натижасига кўра, 54 очко билан мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Нукус педагогика институти ва Урганч давлат университети қизлари баҳсида 2:3, иккинчи ўйинда 3:0 ҳисоби қайд этилди. Нукуслик волейболчилар Андижон олимпия захирала-

ри коллежи жамоасига қарши кечган баҳсларда 3:0 ва 3:1 ҳисобида устун келди. Жамоа 31 очко билан иккинчи ўйинда бормоқда.

Мусобақа жадвалида кучли учликда бораётган Урганч давлат университети волейболчилари Андижон олимпия захиралари коллежи жамоасига қарши ўйинда 3:2 ва 0:3 ҳисобини қайд этди. Уч тур натижасига кўра, урганчликлар 12 очко жамғарган бўлса, андижонликлар ҳисобида 11 очко бор.

Б.АЙТУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАРБИЯСИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ватанимизнинг эртанги кунни учун масъулиятни ўз зиммасига олган йигит-қизлар учун яратилган шарт-шароитлар бисёрлигидан дилимиз қувнайди.

Бугунги кунда юртимизда дунё стандартларига жавоб берадиган нуфузли олий ўқув юртли, мактаблар, академик лицейлар ва коллежларда ёшларимиз учун замонавий таълим-тарбия сабоқлари берилмоқда. Бундан ташқари турли соҳаларда иқтидорли ёшларимиз кўплаб ютуқларни кўлга киритиб, юртимиз шарафини бутун дунёга ёймоқдалар.

Лекин орамизда берилган имкониятдан оқилона фойдаланмаётган, ҳаётга энгил қарайдиган ёшларимиз ҳам учраб туради. Баъзи бир ўқувчи-ёшларнинг ўқув жараёнидаги иштироки, юриш-туриши, ўзини туттиши, ўқитувчиларга беписанд муносабатини кузатиб, не-не улуг зотларнинг авлоди эканликларини унутганликлари дилни хира қилади.

Эртага бу каби ёшларнинг келажаги порлоқ бўлармикан, турмуш ҳаётлари, оилага садоқати, фарзандлари тарбияси қандай бўлади? каби саволлар беихтиёр туғилади. Бу каби саволларга жавоб топиш ёки бу каби ҳатоларнинг олдини олиш учун ўқишга, ҳаётга, турмушга ва оилага барча бирдек масъулият билан ёндошиши муҳим. Қиз бола номига ярашмайдиган ҳаракатлар қилаётган баъзи энгилтак ёшларнинг ота-онасига фарзанд тарбиясида бепарқ бўлмасликни ўқитиш лозим. Ана шундай ёшлар ўз истеъдод ва интилишлари билан барчани ҳайратда қолдираётган тенгдошларидан ўрнак олсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Устозлари берган билимини мукамал эгаллаб, кўплаб ютуқларни кўлга киритаётган, дунёнинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олаётган ёшларимиз ҳам талайгина. Юртбошимиз ҳам ёшларимизга катта ишонч билдирилган. Шундай экан, ёшларимизнинг келажақда баркамол, етук авлод бўлиб етишлари учун ҳаммамиз масъулмиз.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин, ҳурматли ота-оналар, ўқитувчи, тарбиячилар ёшларимиз келажақига беэтибор бўлмайлик. Зеро, уларнинг порлоқ келажагини таъминлаш учун бугундан қайғуриш муҳимлигини унутмайлик.

Юлдуз ҲАФИЗОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Сергели туманидаги 237-умумий ўрта таълим мактабида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, долзарб муаммоларга айланаётган ёт гоёлар таъсиридан асраш ва уларни огоҳ этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Муслмонлар идораси, Қўқалдош ўрта махсус ислом билим юрти, «Моварауннахр» нашриётдан мутасадди вакиллар иштирок этди.

Истиқлол шарофати билан юртимизда диний ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди, — дейди мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Саида Абдуллаева. — Асосий Қонунимизда эътиқод эркинлиги кафолатланган. Афсуски, бундай эркинлик ва фаровонликни кўра олмайди-ган ганимлар ҳам йўқ эмас. Ўқувчи-ёшларимизни ана шундай турли диний-экстре-

мистик гуруҳлар ва ёт гоёлардан асрашга барчамиз бирдек масъулмиз. Келажақ авлодни огоҳликка чакирувчи мазкур тадбирдан ўқувчилар керакли хулосаларни чиқариш, деган умиддаман.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамликни кўз қорачиқдек асраш муҳимлигини, интернетдаги турли хил сайтлар ва уларнинг салбий оқибатлари ҳақида гапириб ўтишди.

Учрашув сўнггида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Ўқитувчи ва ўқувчиларга Айдарбек Тулеповнинг ушбу мавзуга бағишланган китоблари совға қилинди.

Зарина РУСТАМОВА

«101»

ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШНИ УНУТМАНГ

Халқимизда «Олов дўст, олов душман» деган ибора бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, инсонларга иссиқлик бахш этувчи оловдан тўғри фойдаланилса, у беминнат хизмат қилади. Агар озгина тизгинидан чиқса ёки нотўғри фойдаланилганда ғам-ташвиш олиб келади, кулфатларга сабабчи бўлади.

Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлиги сабабли содир бўлаётган ёнгинлар шаҳримиздаги корхона, ташкилот, хусусий хонадонларга катта зарар келтираётгани ҳеч кимга сир эмас. Баъзи корхона, маъмурий бино, ўқув масканлари, даволаш муассасаларида, айниқса, турар жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминла-

маслик, ёнгин назорати ходимларининг кўрсатмаларини вақтида бажармаслик, огоҳлантиришларга бепарво қараш, катталарнинг лоқайдлиги натижасида ёнгинлар содир бўляпти. Унутмангки, ҳар бир ёнгин, бу йўқотишдир. Кўплаб йиғилган мол-мулкимиз санокли дақиқаларда ёниб кул бўлади.

ЁХБ ходимлари мактаб, мактабгача таълим муассасалари, маҳаллалар ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгин офатининг олдини олиш борасида амалий кўрсатмалар бериш мақсадида учрашувлар ўтказиб келмоқдалар. Юз бераётган ёнгинларга асосий сабаб болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлмоқда. Куйиш тан жароҳатини олганларнинг асосий қисмини ўсмирлар ташкил этади. Улар билан сўхбатлашганимизда бунга билиб-билмай қилган ҳаракати ёки ота-онаси назоратидан четда қолиш, ўт ёқиш, тез алангаланувчи моддаларга ўта қизиқувчанлиги сабаб бўлганлигини эшитамиз. Баъзида оловдан, газдан, электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларга эътиборсизлик ёнгина сабаб бўляпти.

Шундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари керак. Ана шунда биз ёнгинларнинг олдини олган бўламиз.

Р.НИЁЗОВ,
ЁХБ 12-ХЕХО 24-ХЕХК
кичик инспектори, сержант

Тадбирлар

ОИЛА — ЮРТ ТАЯНЧИ

Сергели туман ФХДБ бўлими ташаббуси билан уюштирилган наватдаги машғулот «Оила — юрт таянчи» деб номланди.

Унда ёш оила қўрувчилар мактаби тингловчилари бўлиб келин-куёвларга адлия соҳаси вакиллари оиланинг муқаддас хилқатлиги, уни асраб-авайлаш ҳар бир ёш оила аъзосининг муҳим бурчи эканлигини тушунириб ўтишди. Шунингдек, тадбирда оилани асраб-авайлашда миллий қадриятларимизни ҳурмат қилиш, урф-одатларга амал қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш шарт эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Яқунда мутахассислар бу борадаги муаммоларни бар-тараф этиш режаларини белгилаб олишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

куйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудирилари: Геодезия ва кадастр, Ландшафт дизайни ва интерьерни, Архитектуравий лойиҳалаш, Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, Гидротехник иншоотлар, замин ва пойдеворлар, Қурилиш материаллари ва кимё, Қурилиш конструкциялари, Архитектура тарихи ва назарияси.

Профессорлар: Архитектуравий лойиҳалаш, Архитектура тарихи ва назарияси, Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги, Гидротехник иншоотлар, замин ва пойдеворлар, Ўзбек ва хорижий тиллар, Қурилиш конструкциялари.

Доцентлар: Архитектуравий лойиҳалаш, Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, Инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлаш, Қурилиш конструкциялари, Қурилиш технологияси ва ташкилоти, Бино ва иншоотлар, Гидротехник иншоотлар замин ва пойдеворлар, Геодезия ва кадастр, Қурилиш материаллари конструкциялари ва буюмлари технологияси, Фалсафа ва ижтимоий сиёсий фанлар, Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, Ўзбек ва хорижий тиллар.

Катта ўқитувчилар: Архитектуравий лойиҳалаш, Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, Расм, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик, Ландшафт дизайни ва интерьерни, Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, Жисмоний тарбия, Фалсафа ва ижтимоий сиёсий фанлар, Информатика ва информацион технологиялар, Ўзбек ва хорижий тиллар, Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги.

Ассистентлар: Архитектуравий лойиҳалаш, Ландшафт дизайни ва интерьерни, Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси, Архитектура тарихи ва назарияси, Расм, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик, Геодезия ва кадастр, Фалсафий ва ижтимоий сиёсий фанлар, Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги, Қурилиш материаллари конструкциялари ва буюмлари технологияси, Ўзбек ва хорижий тиллар, Инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлаш, Қурилиш конструкциялари, Жисмоний тарбия, Информатика ва информацион технологиялар.

Кафедра мудирилари лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13, ходимлар иш юртиши бўлимига ёки Илмий котибга учрашишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 244-18-78, факс: 241-80-00.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бир-лашмаси Кенгаши бирлашма Кенгашининг расми Сайфулла Аҳмедовга волидаи мухтарамаси **Мукаррама яя МАМАТКУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси фахрий ҳуқуқшунос **Мукаррам Рахимовна ТУРСУНХОДЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида туманига кўра, 15 апрелда 15 апрель кунини ҳаво ўзгариб тургани, вақти-вақти билан шариқти шайхар ҳаво муҳимир ёниб, маммақалдрок бўлиши мумкин. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда, кучайган имконият яратди, инфоласта-ҳалда секундида 12-17 метр

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терлиди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма тўқ, офсет усулида босилади. 11431 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.20